

АХБОРОТ ХУРУЖИНИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

Есинкулова Нафиса

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университети 2 курс магистранти

Ахборот давлат ва жамият ривожланишининг муҳим омилidir. Жамият ахборотсиз яшай олмайди. Дунё ягона ахборот маконига айланган бир паллада ундан “ҳоли” бўлиш ҳам мумкин эмас. Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлаштириш қонун билан белгилаб қўйилган.

Маълумки, ахборот инсоннинг доимий эҳтиёжига айланган. Ҳар куни ўнлаб телеканаллар, радиоэшиттиришлар, газеталар ва интернет орқали қанча ахборотларга эга бўлишидан қатъий назар яна ахборот кутиб яшайди. Бугун кенг жамоатчиликка, айниқса талабчан ёшларга қандай ахборотлар зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиб боришни истайдилар.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг ахборот хуружи кучайиб, манипулацион жараёнларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлмоқда. Бу каби таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлиб, унга қарши махсус иммунитетни ҳосил қилиш давр талаби. Қаердаки маънавий бўшлиқ пайдо бўлса, четда пойлаб юрган кимсалар бузғунчи ғояларни тикиштиришга ва ёшлар онгини захарлашга ҳаракат қиладилар. “Бундай кучларнинг ғаразли муносабати аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизга ташвишлантirmасдан қолмайди, албатта. Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”¹.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган уруш-талофат, бузғунчилик, инқилобий ҳаракатлар ва террорчиликка ахборот хуружи катта таъсир

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 й. 11-бет

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

кўрсатмоқда². Чунки ахборот том маънода янги асрнинг энг қиммат материалига айланмоқда. ОАВ ва матбуотнинг ахборот етказиш имконияти ва кучидан ғаразли ниятда фойдаланувчи бузғунчи кучлар ахборотини ўз манфаатларига хизмат қилдиришга уринмоқда. Биламизки, глобаллашув жараёнида арзимас, аҳамияти катта бўлмаган бир хабар ҳам баъзан катта тарихий воқеа ва глобал ҳодисага сабаб бўлиши мумкин.

XX асрнинг етакчи немис файласуфларидан бири Освальд Шпенглер ўзининг “Ғарбнинг ҳалокати” асарида ахборот хуружининг одамлар онгидаги таъсири ҳақида қуйидагича башорат қилган эди: “Яқин келажакда жаҳоннинг икки ёки уч газетаси провенциал газеталар фикрини бошқаради ва улар ёрдамида халқлар иродасини бўйсиндиришга уринади. Ҳамма нарса эса шу газеталарни назорат қилиб тургувчи оз сонли кишилар томонидан ҳал этилади”³. Аммо бу демократик давлат ва фуқаролик жамияти ғояларига умуман тўғри келмайди. Шу сабаб инсонлар онгини заҳарлашдан сақланиш учун миллий ғоя ва маънавий меросимизга таянишимиз, шу асосда маънавий озукланишимиз керак. Зеро, маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон ахборот хуружидан ҳимояланиш баробарида, ахборот олиш маданиятига ҳам эга бўлади.

Ахборот технологияларининг ривожланиши ва ахборот тарқатиш восита ҳамда усулларининг кенгайиши, ўз навбатида бу йўлда ҳар хил маънавий бузғунчилик ғояларини бошқаришни мураккаблаштиради. Сабаби, биргина китоб чоп этишнинг миқёси ва кўлами инсоннинг янги билимларни эгаллаш суръатларига мос тушади. Шундай экан, агар дастгоҳ кашф этилган дастлабки пайтларда Европада йилига тахминан 1000 номдаги китоб чоп этилган бўлса, ҳозирда кунига 1000 номдаги китоб чоп этилмоқда. Шу рақамларнинг ўзиёқ ахборот технологияларининг нақадар тез суръатларда ривожланиб бораётганидан далолатдир. Аммо глобаллашув жараёнида биргина ноўрин ва бузғунчи ғоялар кўпгина салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг бирламчи сабаби ҳам компьютер, интернет ва бошқа ахборот тармоқларининг жадал ривожланиши сайёравий характер касб этишидир. 1950 йилда кашф этилган компьютер айниқса, билим ва ҳар

² Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.

³ Sapayevich J. X. OPPORTUNITIES OF CENTRAL ASIAN STATES IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL GEOPOLITICAL RELATIONS //World Bulletin of Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 129-131

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

қандай ахборотни қабул қилиш ва узатишни янада жадаллаштириб юбормоқда.

Инсоннинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларга ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Ахборотни танлаш ва ундан унумли, тўғри фойдаланиш эса инсоннинг онг даражаси билан боғлиқ⁴. Онг даражаси билим даражасига, билим даражаси эса ўз навбатида билишга, яъни реаллик ва борликдаги воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳияти билан вобастадир. Кўр-кўрона ёки атайин қорани оққа бўяб кўрсатиш мавжуд ҳолатни мақсадли ўзгартиришга олиб келади. Ахборот майдонида ҳам ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ахборотни ноҳолис, ноаниқ етказилиши ахборот хуружининг дебочаси, десак хато бўлмайди. Шунинг учун биринчи навбатда, ахборот етказувчи шахс холислик, аниқлик ва тезкорликка таяниши, ахборот олувчи эса уни мутлақлаштирмасдан, ўз шуури даражасида таҳлил қилиши, сўнг қабул қилиши, ишонч билдириши даркор.

“Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишнинг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Ёшлар билан мунтазам мулоқотда бўлишларига эришиш, интернет тармоғини миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-сайтлар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур⁵. Аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир фуқаро тафаккурида

⁴ Sapayevich J. X. OPPORTUNITIES OF CENTRAL ASIAN STATES IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL GEOPOLITICAL RELATIONS //World Bulletin of Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 129-131

⁵ Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Социосфера, (4), 54-57.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратиш, ғоявий муҳолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш, вояга етмаган ёшларга оид миллий қонунчилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган зарур ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарур.

Юртимизда интернет халқаро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб заруриятидир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда.

Агар биз ахборот олиш маданиятини шакллантирсак, миллий ғоямиз ва маънавий меросимизга таяниб фаолият олиб борсак, ахборот хуружига қарши иммунитетни кучайтирган бўламиз.